



ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ “ҲИНДИСТОН” АСАРИДА БУДДАВИЙЛИК ВА ЗАРДУШТИЙЛИК ҲАҚИДА

ИСҲОҚОВ МИРСОДИҚ

Тарих фанлари доктори, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақолада Абу Райхон Берунийнинг буддавийлик тарқалган ҳудудлар, зардуштийлик пайдо бўлган илк макон ҳамда Заратуштранинг Ватани ҳақидаги фикрлари танқидий ўрганиб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: буддавийлик, аш-шамания, шрамана, зардуштийлик, Заратуштра, Хуросон, Мосул, Сурия, Озарбайжон, Ардвӣ дарёси, Спитама уруғи, ғарбий эроний тил, Авеста, шарқий эроний тил.

Аннотация. В настоящей статье критически рассмотрены данные Абу Рейхана Бируни о географии распространения буддизма, родине зороастризма и Заратуштры.

Опорные слова и выражения: буддизм, аш-шамания, шрамана, зороастризм, Заратуштра, Хоросан, Мосул, Сирия, Азербайджан, река Ардвӣ, семья Спитама, западно-иранский язык, Авеста, восточно-иранский язык.

Abstract. Abu Reykhan Biruni's thoughts about Buddhism's spreading geography, native land of Zoroastrism and Zaratushtra have been critically considered in this article.

Keywords and expressions: buddism, ash-shamania, shramana, zoroastrism, Zaratushtra, Khorosan, Mosul, Syria, Azerbaijan, Ardvī river, Spitama's seed, West Iranian language, Avesta, East Iranian language.

Абу Райхон Беруний жаҳон илмий тафаккури эришган билимларни ўз даври даража-сида ўзлаштирибгина қолмай, танқидий баҳолаш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олим эди. Унинг асарларида қадимги Месопотамия, Миср, антик Юнонистон, Рим, Ўрта Шарқ, Ҳиндистон каби цивилизация маконларида минг йиллар давомида яратилган илмий меросга ишоратлар шу қадар кўпки, бу Берунийнинг нақадар кенг билимли олим, рационал таҳлилчи тадқиқотчи бўлганидан далолатдир. Шунга қарамай, Берунийда айрим фактларни талқин қилиш асносида маълумотлар чалкашлиги, баъзан эса, унинг ихтиёридаги хабарларнинг аслияти нотўғрилиги, уларни тўғрилаш учун ишончли манбалар йўқлиги сабабли таҳлил қилган масалаларида баъзи хатолар учрайди. Бу каби ҳоллар юзасидан олимнинг “Ҳиндистон” асарида келтирилган бир мулоҳазани кўриб чиқамиз. Мазкур асарнинг I бобида

Беруний қадимги ҳиндларнинг анъанавий илмий қарашларини ўзлари эришган даражаларда фақат ўзлари учун ҳақиқат ҳисоблаганлари, жаҳон илмий тафаккури эришган ютуқларга ишончсизлик ва инкор руҳида қараганлари кабиларни танқид қилади, уларнинг ўз “миллий” қобиқларидан ташқаридаги улкан дунёни рад этишларини, шу этномаданий хусусият туфайли ҳиндлар ўзларига ўхшасларни, умуман “ўзгалар”ни макруҳ ҳисоблаганларини, асоси йўқ кибр деб баҳолайди. “Ҳиндларнинг диний дунёси бизлар учун, бизларнинг эътиқодимиз ҳиндлар учун бегона”¹, – дейди Беруний.

Ислом дини билан ҳиндларнинг диний қарашларини солиштирар экан, Беруний ёзади: “Бизлар билан(мусулмонлар билан – М.И.) уларнинг ўртасидаги бегоналик яна

¹ Бируни Абу Рейхан. Избранные произведения. Т. II. – Индия: Изд-во АН РУз, 1983. – С. 66.

шундаки, (хиндиларнинг) аш-шаманийя диний жамоалари (анъанавий) брахманчиликдан ҳар қанча нафратлансалар-да, барибир ҳар икки дин ҳиндларнинг ўзларига хосдир. Бизлар уларнинг динларини қанчалик бегона билсак, улар ҳам бизнинг динимизни шунчалик бегона ҳисоблайдилар”¹. Бу ўринда Беруний *аш-шаманийя* атамасини буддавийликка хос *шрамана*, пракрит(ўрта босқич ҳинд тили)да *çramana* “буддавий диний пешво, монах” маъносда ишлатган. Суғд тилида етиб келган, инглиз олими Д. Н. Мак-Кензи нашр қилган буддавий матнларда бу атама šmn(w) шаклида учрайди². Заратуштра Озарбайжондан чиқиб, Балхда маздачиликка даъват қила бошлагунга қадар аш-шаманийя (буддавийлик) жамоалари Хуросондан тортиб, Форсгача, Ироқ ва Мосулгача, хатто, Сирия чегараларигача кенг тарқалган эди, деб таъкидлайди Беруний³. Олимнинг бу хабарида бироз чалкашликка йўл қўйилган. Аввало, Заратуштра номи билан боғлиқ Мазда Ясна диний таълимоти буддавийликдан бир неча юз йилга қадимий эди⁴. Сўнгра буддавийликнинг тарқалган ҳудудлари ҳақида Берунийнинг тасавури реал географик ҳолатдан анча кенг. Зеро, буддавийлик Эроннинг Форс вилояти, Ироқ, Сирия каби ўлкаларга етиб борган эмас. Бу ўлкаларда Со-

сонийлар даврида давлат динига айланган зардуштийлик томонидан сиқиб чиқарилмагунча моний дини тарқалгани рост⁵. Буддавийлик эса монийчилик билан бир вақтда Бактрия, Марғиёна, Суғд, Чоч, Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон бўйлаб тарқалган, Узоқ Шарқ ўлкаларида бу диннинг турли маҳаллий трансформацион шакллари ёйилган эди.

Беруний Заратуштранинг келиб чиқишини “Ҳиндистон” асарида Озарбайжон билан боғлиқ кўрсатганига келсак, бу қарашда ҳам маълум чалкашлик мавжуд. Гап шундаки, кўпчилик авесташунос олимлар, шу жумладан ушбу сатрлар муаллифи ҳам, Заратуштра Ардвигарёси бўйларида истикомат қилган Спитама уруғининг вакили бўлган деб ҳисоблайди. Бу фикрни Авестада акс этган табиий муҳит Озарбайжонга ўхшаш эмаслиги ҳам тасдиқлайди. Яъни кўчманчи чорвадор чўл минтақалари билан туташлик, ўтроқ деҳқончилик ва хонаки чорвадорлик манзиллари чўлдан келувчи босқинлар ва талончиликлардан жабрдийдалиги⁶, шу сабабли Авестада чорва ўғрилигининг қаттиқ қораланиши, хатто эзгу ният фариштаси Вахумананинг намоёнлик қиёфаси қорамол, буқа кўринишида эканлиги кабилар тарихий Озарбайжонни – Атурпатканни эслатмайди. Яна бир муҳим далил шуки, Авестада орийлар билан Турон ўлкаси халқи турлар рақобатда деб таърифланади. Тарихий Турон ўлкасининг марказий бўғини эса бугунги Ўзбекистон экани маълум.

Авеста ва Зардуштнинг макони Озарбайжон эмаслигининг яна бир далили шуки, Мазда Ясна – зардуштийлик динининг асосий манбаи Авеста эроний тилларнинг шарқий тармоғига хос қадимий тилда ёзилган. Бу тил фонетик хусусиятлари, грамматик тузлиши жиҳатдан қадимги суғд, хоразмий, бохтарий, ҳозирги помир тилларига яқин. Муаллифлиги Зардуштнинг ўзига мансуб Гоҳларда акс этган тил Авеста матнининг энг қадимий қатлами ҳисоб-

¹ Бируни Абу Рейхан. Избранные произведения. Т. II. – Индия: Изд-во АН РУз, 1983. – С. 65.

² Buddhist Sogdian texts jf Britian Labriary. Published by D.N.Mact

³ Бируни Абу Рейхан. Избранные произведения. Т. II. – Индия: Изд-во АН РУз, 1983. – С. 66.

⁴ Рус олимлари И. М. Дьяконов, В. А. Лившиц ва бошқалар зардуштийликни мил авв. X–VI асрлар билан боғлайдилар. Инглиз олимаси Мэри Бойс хатто неолит давридаёқ бу дин бор эди, дейди. Бироқ, Л.А. Лелеков бу фикрни қаттиқ танқид қилади ва ўзи И. М. Дьяконов фикрига қўшилади. Бизнингча, зардуштийлик – Мазда Ясна динининг асосий ғоялари жуда қадимий мифологик қарашлардан бронза даврида ажрала бошлаган ва илк темир даврида тўлиқ шаклланган. Заратуштра қадимий уруғ-қабилла худолари ҳисобланмиш маъбуд ва маъбудаларни Ахура Мазда яратган самовий зотларки, уларнинг барчаси яратганнинг иродасини ижро этувчилар, дея талқин қилган. Шундай қилиб, бори эзгу дунёни яратган Ахура Мазданинг яқка олий зот эканини асослашга ҳаракат қилган.

⁵ Советская историческая энциклопедия. Статья «Манихеизм».

⁶ Авеста. Видевдот китоби. М. Исоқов таржимаси. – Т., 2007. 3-фрагм.



ланади. Бу қатламнинг грамматик хусусиятлари ҳинд-европа тиллари оиласи тилларининг қадимий ҳолатига яқин. Озарбайжон ҳудудлари эса қадимий Мидияга қарашли бўлиб, бу ўлкада ғарбий эроний тил ҳукмрон бўлган. Мил.авв. IV асрдан бошлаб Озарбайжон ҳудудлари Аҳмонийлар даври Эрон таркибига кирган ва бу ўлкада қадимги ғарбий эроний форс тили ҳукмрон бўлган¹.

Шу ўринда айтиш лозимки, Заратуштранинг ўз таълимотини қавмлари орасида ёйиши қийин кечган. 30 ёшида у одамлар орасидан энг имонли ва эътиқоди бутуни сифатида Ахура Мазда томонидан, унинг пайғомини (хуш хабарини) бандаларига етказиш учун пайғомбар этиб танланган. 40 ёшига қадар унинг даъватларига қавмлари кулоқ тутмаганлар. Аксинча, уни ўз она ватанидан қувғин қилганлар. Заратуштра оиласи билан ҳамда унинг даъватини қабул қилган якка-ягона саҳобаси, амакиваччаси Мадюмоҳ ҳамроҳлигида ватанини бир умрга тарк этишга мажбур бўлган. Чунки ўша давр одамларининг ибтидоий диний тасаввурлари бутун борлиқнинг эзгу асосларини яратган Ахура Мазданинг яккалиги тушунчасини ва худонинг мавҳум образини идрок этиб қабул қилишлари қийин эди. Ўз юртидан бош олиб чиқиб кетгач, босиб ўтган йўллари қадимги Хоразм орқали кемалар юргич, тўлиб-тошиб оққан Амударё бўйларидаги ҳудудлардан шарқ томон йўналган эди. Суғднинг жануби ғарбий чекаларидан Марғиёна томон бурилиб, ундан эса Бохтар замин томон ўтган эди. Зардуштийлик тарихий анъанасига кўра Заратуштранинг даъватини қадимги Бохтар замин ва Сакастана юртлари ҳукмдори Гушстап ва унинг аъёнлари қабул қилишган. Шундай қилиб, Зардушт таълимоти аслида қадимги Эрон ҳудудларига Турондан кириб борган, маҳаллий шароитда унинг асосий манбаи Авеста китоби ҳам эроний тиллар оиласининг шарқий тармоғига кирган қадимий тилда жамлаб тизимга солинган. Бу тил

истеъмолдан аллақачон чиқиб кетган ва фақат Авеста китоби матнидагина сақланиб қолган. Демак, зардуштийлик (Мазда Ясна) динининг асл ватани Амударёнинг қуйи оқимлари, географик Турон ўлкаси бўлган дейишга тўла асос бор.

Шу мулоҳазалардан кейин Берунийнинг “Зардуштнинг Озарбайжондан чиққанлиги” ҳақидаги хабарига қайтиб, бир фикрни ўртага ташлашни лозим топдик. Манбаларда (зардуштийликнинг асосларини ислом дини тарқалиш чоғларида сақлаб қолишга уриниш маъносида муъбадлар томонидан яратилган “Денкард” китоби) кўрсатилишича, Мазда Ясна дини кенг тарқала бошлаган пайтларда Хоразмда ҳам бу диннинг мавқеи жуда баланд бўлган. Ҳатто энг биринчи оташкада (абадий муқаддас олов ибодатхонаси) Озархурра айни Хоразмда бўлган. Ушбу атаманинг *Озар*- қисми авестача *Атарш* “олов” маъносини билдирган. Бу сўздан фонетик вариант *озар*- ва *отаи*- сўзлари келиб чиққан². Озархурра сўзининг таркибидаги *озар*-сўзининг авестача шакли ва “олов” маъноси Беруний яшаган даврда унутилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Озархурра оташкадаси, зардуштийлик тарихидаги илк ибодатхона Хоразмда бўлган, деган хабар ҳам бежиз эмас. Шу маънода Беруний бу масалада *озар* сўзи талқинини Озарбайжон тушунчасига боғлагани ўз замони учун табиийдек кўринган. Беруний Маъмунийлар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида ҳали навқирон ёшларида Хоразмдан чиқиб кетиб, бир муддат тарихий Эрон Озарбайжони ҳудудларида ва, ниҳоят, Журжонда истиқомат қилгани маълум³. Ўша йилларда у зардуштийлик масаласида Эрон юртларига боғлашга уринишларининг кўп бора гувоҳи ҳам бўлган ва шу таассуротлар Беруний хотирасида умрининг охиригача сақланиб қолган, дейиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Заратуштра (Зардушт)нинг ватанини Озарбайжонга боғлашнинг тарихий асоси йўқ.

¹ Алиев И. История Мидии. – М., 1956. *Яна қаранг:* Дьяконов И. М. История Мидии. – М., 1956.

² Соколов С.Н. Авестийский язык. – М., 1961. – С. 34.

³ Булгаков П.Г. Жизнь и труды Бируни. – Т., 1972.